



ТУРКМАНИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг таклифига биноан Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimухамедов 2015 йил 7 октябрь кuni расмий ташир билан мамлакатимизга келди.

Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев кутиб олди.

Қисқа суҳбатдан сўнг Туркменистон делегацияси Кўксарой мажлисида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Туркменистон Президентининг Ўзбекистонга расмий ташири доирасидаги асосий талбиҳлар 8 октябрга мўлжалланган.

Аввал хабар қилинганидек, олий даражадаги учрашувлар чоғида Ўзбекистон ва Туркменистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникациялар, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва уни янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, долзарб минтақавий ва халқаро масалалар юзасидан фикр алмашиш режалаштирилган.

Ташир якунлари бўйича икки давлат раҳбарларининг Қўшма баёنотини қабул қилиш, иқтисодиёт, транспорт, божхона, туризм, фан-техника, соғлиқни сақлаш ва спорт соҳаларидаги ўзаро манфаатли алоқаларни изчил ривожлантиришга доир қатор ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланган.

ЎЗА

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш

масаласида «Ўзтрансгаз»
акциядорлик компанияси
бошқаруви раисининг
ахбороти эшитилди



Мамлакат иқтисодиётида, кундалик ҳаётида табиий газнинг ўрни катта. Айниқса, кунлар совий бошлаши билан иссиқлик таъминоти, хусусан, табиий газга бўлган талаб янада ортади. Истеъмолчиларнинг бу борадаги эҳтиёжини қондириш, соҳага жавобгар бўлган мутасадди ташкилотлар масъулиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади.

► Давоми 2-бетда.

БУ ҲАҚДА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АЙТИЛГАН ЭДИ



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

тарғибот ишларини изчил олиб бориш, электорат манфаатларини
ҳимоя қилишда долзарб аҳамиятга эга

Юртимизда демократик ислохотлар чуқурлашгани сари вакиллик ҳокимияти, яъни парламент ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг ваколатлари кенгайиб, масъулияти тобора ошиб бормоқда. Айниқса, 2007 йилда «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада де-

мократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги конституциявий қонун қабул қилингани, кейинчалик Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожланти-

риш концепцияси асосида Конституция-мизга, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга киритилган қатор ўзгариш ва қўшимчалар бу борада муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

► Давоми 2-бетда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама этилаётган «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасига ЎзХДП фракцияси томонидан дори воситалари, тиббий буюмлар ҳақида ахборот бериш ва реклама қилиш бўйича берилган таклифлар инобатга олинди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Сурхондарё, Тошкент ва Самарқанд вилоятларида бўлиб, 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг ижроси билан яқиндан танишишди.

ЎЗХДП ЛОЙИҲАЛАРИ

«Кексаларнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси доирасида Ўзбекистон ХДП Беруний туман кенгаши ва халқ депутатлари туман Кенгашидаги партия гуруҳи ҳамкорлигида қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда кексаларга қўлай шарт-шароит яратиш, ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш, ёши улғу инсонларга давлат хизматлари кўрсатилиши билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Депутат ташаббуси

— Кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш эзгу қадриятдир, — дейди ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси Халилла Ешимбетов. — «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» лойиҳаси орқали мана шу эзгу мақсадларни изчил амалга оширишга ҳаракат қилиялмиш. Хусусан, ёлғиз кексалар, пенсионерлар манфаатларини ҳимоя қилиш партия гуруҳи аъзолари диққат марказида турибди.

Ёлғиз кексалар, пенсионерлар ҳолидан хабар олинмоқда, уларни уйлантираётган масалаларни ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳал этиш бўйича чоралар кўриляпти. Тегишли ташкилотларга маълумотлар тақдим этиляпти. Бу ишлар ёши

улғу отахон-онахонларимизнинг оғирини енгил қилишда муҳим аҳамиятга эга, деб ўйлаймиз.

Яқинда туман Кенгаши депутати, «Самтранс» масъулияти чекланган жамияти раиси Кенжабек Атажановнинг хайрия ёрдами билан 70 нафар нуроний Хива шаҳрига саёҳат қилиб келди. Бундан ташқари, яна 50 нафар нуроний «Шихиҳалил», «Ампиққалъа», «Султон Увайс бобо» зиёратгоҳларига олиб борилди.

— Одам ёши ўтган сари меҳрга, эътиборга кўпроқ эҳтиёж сезиб борар экан, — дейди Шаббоз қишлоғидан 82 ёшли Қаландар Хайитбоев. — Бу йил бизнинг йилимиз бўлди. Партия фаоллари, депутатлар яхши ташаббус билан чиқишди. Қадамжоларни зиллат қилиб, кўнглимиз янада ёришди.

Нурлан КИШАНОВ

ЎЗХДП: БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Кучли партия

кучли бошланғич ташкилотлардан
бошланади

Ҳар қандай партиянинг тарафдорлари кўпайиши, дастурлари амалга ошиши кўп томонлама ана шу омилга боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотлари фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратяпти. Хусусан, уларни зарур қўллаб-қувватлаш билан таъминлаш, етакчиларнинг сиёсий билим ва ташкилотчилик қобилиятини ошириш, сиёсий ишга қизиқишини янада кучайтириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада бошланғич ташкилотлар партияимизнинг мустақкам асоси, илдизига айланимоқда.

Буни Фарғона вилоятидаги бошланғич ташкилотлар мисолида ҳам кўриш мумкин. Вилоятдаги 42197 нафар ЎзХДП аъзоси 872 бошланғич ташкилотга биришган. Бошланғич ташкилотлар партия сафини кенгайтириш, ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилиш ишларида фаоллик кўрсатмоқда.

► Давоми 3-бетда.

Янгиликлар,
бунёдкорликлар,
хабарлар...

Ёшлар бандлиги таъминланмоқда

Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Мангит инвест плюс» масъулияти чекланган жамиятида қандолат ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда.

Замонавий технологик ускуналар билан жиҳозланган корхонада бугунги кунда ўттизга яқин ишчи меҳнат қилади. Уларнинг асосий қисми ёшлардир.

Бу ерда тайёрланаётган сифатли маҳсулотлар мактабгача таълим муассасалари ва савдо дўконларида етказиб берилмоқда. Буюртмалар сонининг ошиб бораётгани натижасида корхона янада кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратилади деганидир.

Замон билан ҳамқадам

Урганч давлат университети билан хорижий мамлакатларнинг нуфузли олий ўқув юртлари ўртасида илмий ва амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган.

Улар орасида АҚШ, Хитой Халқ Республикаси, Миср Араб Республикаси, Италия, Германия, Англия, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Испания, Латвия каби кўплаб давлатлар бор.

2014-2015 ўқув йилида университетнинг 35 нафар профессор-ўқитувчи ва талабалари ушбу давлатлардаги олий ўқув юртларида малака ошириб қайтишди.

Тиббий хизмат сифати ошмоқда

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 293 кишлоқ врачлик пункти аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

«Арсиф» маҳалла фуқаролар йиғини Қувасой шаҳрининг чекка ҳудудларидан биридир. Бу ерда 2010 йилда барпо этилган кишлоқ врачлик пункти «Саломатлик — 1», «Саломатлик — 2» лойиҳалари асосида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан тўлиқ жиҳозланган. Ташхис қўйиш, муолажа хонаси, таҳлилхона, кундузги шифохона, УТТ текширувлари, физиотерапия, дорихона, фитобар хизматидан барча мамнун.

Кишлоқ врачлик пункти Арсиф, Қалача ва Янгиобод қишлоқларида истиқомат қилувчи 8 мингдан ортиқ аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатади. Мазкур муассасада икки нафар умумий амалиёт шифокори, 21 нафар тиббий ҳамшираси хизмат қилмоқда.

Наврўз ШОДМОНКУЛОВ
тайёрлади.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

ЎЗХДП ФРАКЦИЯСИ
ТАКЛИФЛАРИ ҚЎЛЛАБ-
ҚУВВАТЛАНДИ



ЎЗХДП гуруҳлари Қувасой шаҳар ва Бувайда туманларида аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ўрганди.

■ БУ ҲАҚДА ПАРЛАМЕНТ ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДА АЙТИЛГАН ЭДИ

ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАР ҲАМКОРЛИГИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИШ

тарғибот ишларини изчил олиб бориш, электорат манфаатларини ҳимоя
қилишда долзарб аҳамиятга эга

Қонунчиликда сиёсий партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақоми, жумладан, парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат ваколатлари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳларининг ҳуқуқлари ва фаолияти кафолатлари аниқ белгиланган. Буларнинг барчаси мамлакатимизда кўппартиявийлик тизимини мустақамлаш ва янада ривожлантиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Президентимиз жорий йилнинг 23 январь кунин Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида қонунлар ижросини таъминлаш, жамоатчиликни парламент палаталарининг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятидан ҳар томонлама хабардор қилиб бориш муҳим вазифа эканини алоҳида қайд этди. Албатта, парламентда муҳокама қилинаётган қонунлар лойиҳаларидан кенг жамоатчилик, сайловчилар ва элек-

торат вакиллари хабардор қилиш, қонунлар ижроси бўйича олиб борилаётган назорат-таҳлил ишларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур тушунириб беришда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари муҳим ўрин тутadi.

Шундан келиб чиқиб фикрлайдиган бўлсак, Президентимизнинг парламент палаталари қўшма мажлисида берган кўрсатмаларини ҳаётга татбиқ этишда Олий Мажлис Қонунчилик па-

латаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳамкорлигини янада кучайтириш долзарб масала экани яққол намоён бўлади.

Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ҳамкорлигини янада кучайтириш мақсадида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу ҳамкорлик самардорлигини янада ошириш учун қандай масалаларга эътибор қаратиш лозим?

Партия фракцияси ва гуруҳлари, Қонунчилик палатасидаги қўмиталар ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги доимий комиссиялар ўртасидаги алоқалар мустақамлашни қандай омилларга боғлиқ?

Ушбу масалаларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари, ҳуқуқшунос ҳамда мутахассисларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқдик.

Шуҳрат ТУРСУНБОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
ЎЗХДП фракцияси аъзоси:

— Президентимиз парламент палаталари қўшма мажлисида Олий Мажлис — парламентимизда ва маҳаллий вакиллик органларида фракциялар ёки айрим депутатлар ўртасида доимо фикрлар қарама-қаршилиги, мунозаралар бўлиши керак, айнан шу ерда сиёсий партияларнинг дастурий мақсадлари, манфаатлари ифода этилиб, депутатлар ўз фикрларини илгари сурадиган кучли баҳс ва рақобат юзига келиши муҳим аҳамиятга эга, деган фикрни илгари сурди.

Мана шу жараёнда Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатлари ўртасидаги мустақам алоқа ҳал қилувчи ўрин тутadi, деб ўйлайман. Дейлик, бирор қонун лойиҳаси юзасидан партия фракцияси ўз позициясини билдирар экан, бу борада маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларидан ҳам таклифлар олиши, сайловчилар, электорат вакиллари билан фикр-мулоҳазаларини асослаштириш зарур.

Олий Мажлис депутатлари билан маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари

ҳамкорлигини кучайтиришда сиёсий партияларнинг худудий ташкилотлари муҳим ўрин тутadi. Ҳозир Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ҳар бир сиёсий партия фракцияси, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳам партия гуруҳлари билан яқин ҳамкорлик ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Хусусан, қонунларнинг қандай ишлаётгани, ишлаб чиқилаётган қонун лойиҳалари юзасидан мунтазам равишда ахборот ва таклифлар олинмоқда. Шу асосда муайян масалалар фракция йиғилишларида доимий равишда муҳокама этиб борилапти.

Бугунги кун эса ўзаро ҳамкорлигини янада юқори босқинга кўтаришни талаб этмоқда. Бунинг учун ҳуқуқий ва ташкилий асослар етарли. Энг асосийси, депутатларнинг шахсий ташаббускорлиги янада ошиши керак, деб ўйлайман. Фидойилик, янгиллик интилиш ҳамда сайловчи манфаати Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини ягона мақсад йўлида жипслаштиради.

Шерзод ЗУЛФИҚОРОВ,
Тошкент давлат юридик
университети кафедра мудири,
юридик фанлар номзоди:

— Мамлакатимизда парламент, вакиллик ҳокимияти институти тобора такомиллашиб бормоқда. Демократик ислохотлар чуқурлашиб, фуқароларнинг устувор ҳақ-ҳуқуқлари таъминланиши айнан шу омилга боғлиқ. Жойларда ўтказилаётган сайловчилар билан учрашувларнинг қўламини аҳолининг ошариш керак, деган фикрдан. Учрашувларда маълум бир хулосага келиниши, муайян таклифлар шаклланиши лозим.

Сайловчилар томонидан кўтарилган масалалар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати билан бирга маҳаллий Кенгашлар депутатлари, жойлардаги мутасадди корхона ва идораларнинг вакиллари, кенг жамоатчилик иштирокида атрофлича муҳокама қилиниши яхши самара беради, назаримда. Шу орқали қабул қилинаётган қонунлар қандай ишляпти, қан-

дай камчиликлар бор деган саволлар бўйича фикр ва хулосалар шаклланади. Ана шунда ўзаро ҳамкорлигининг амалий натижалари пайдо бўлади.

Жойлардаги айрим муаммоларни фракция ва қўмита йиғилишларида кенг муҳокама қилиниши ҳам ўзига хос аҳамият касб этади. Бунинг натижасида марказда ҳукумат фаолияти устидан парламент, маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан эса маҳаллий Кенгашларнинг назорати янада кучаяди.

Яна бир муҳим масала шундаки, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари, доимий комиссиялар ҳамда фракция билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг тафсилотлари маҳаллий оммавий ахборот воситаларида доимий ёритиб берилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.



Муқаддас РАҲМАТУЛЛАЕВА,
халқ депутатлари Тошкент шаҳар
Кенгашидаги
ЎЗХДП гуруҳи аъзоси:

— Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги қонун ижодкорлиги жараёнида маҳаллий Кенгашлар депутатлари билан ҳамкорлик сезиларли даражада кучайди. Ҳар бир қонун лойиҳаси қабул қилинишидан олдин маҳаллий Кенгашлар депутатлари аҳоли билан учрашувларда унинг мазмун-моҳиятини тушунириб бермоқда. Шундай муло-

қотларда кенг жамоатчилик вакиллари кўплаб фикр-мулоҳазалар билдирмоқда. Биз уларни умумлаштириб, парламентдаги фракциямиз эътиборига тақдим этилмоқда.

Президентимиз қўшма мажлисида алоҳида таъкидлаганидек, қонун лойиҳалари, айниқса, аҳолининг ҳаётини муҳим манфаатлари, ижтимоий ҳуқуқлари бевосита дахлдор бўлган

қонун ҳужжатлари муҳокамасига жамоатчиликни, фуқаролик жамияти институтлари вакиллари кенг жалб этиш лозим. Мазкур учрашувларда фуқаролардан тушган таклифлар доимий эътибор марказида бўлиши керак. Бунинг ахборот алмашиш механизми дейиш мумкин. Мана шу механизм қанчалик пухта ва самарали ишласа, қонунлар ҳаётини яқинлаштиришга қўшмачи қараб қабул қилинса, уларнинг самараси, таъсири кучли бўлади. Энг муҳими, фуқароларда қандай қонун қабул қилинаётгани, қандай ҳуқуқ ва имкониятлар берилган ҳақида ёрқин тасаввур, тушунча

ҳосил бўлади.

Мисол учун, яқинда аҳолининг санитария ва эпидемиология оқсоқчилиги тўғрисида қонун қабул қилинди. Ундан олдинроқ қатор учрашувларда унинг лойиҳасини атрофлича кўриб чиқдик, сайловчилардан тушган таклифларни умумлаштириб, Қонунчилик палатасидаги фракциямизга тақдим этдик. Кейинчалик айрим таклифларимиз қонунда ўз ифодасини топди. Бундай амалиёт аҳолининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти юксалиши, жамият миқёсида фикрлаш қўнма-си мустақамлашишида муҳим ўрин тутadi.

■ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК
ПАЛАТАСИДА

Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

Аҳолини табиий газ билан таъминлаш

масаласида «Ўзтрансгаз»
акциядорлик компанияси бошқаруви
раисининг ахбороти эшитилди

Шу боис мамлакатимизда аҳоли турмуш шароитини яхшилаш мақсадида истеъмолчиларни табиий ва суёлтирилган газ билан узлуксиз таъминлашга жиддий эътибор қаратиб келинади. Соҳада олиб борилаётган ишлар натижасида янги қонларни ўзлаштириш ва замонавий ишлаб чиқариш заводларини ишга тушириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда.

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси йиғилишида «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раисининг аҳолини табиий ва суёлтирилган газ билан таъминлашнинг ҳолати ва ривожланиш истиқболлари тўғрисида ахбороти эшитилди.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси Шуқуралла Маҳмудовнинг қайд этишича, аҳолини узлуксиз газ билан таъминлаш мақсадида тармоқларни гидравлик режимини яхшилаш, қўшимча газ тақсимлаш қурилмаларини ўрнатиш ҳамда суёлтирилган газ таъминоти тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Синаш жараёнида аниқланган газ қурувларининг яроқсиз қисмлари алмаштирилиб, таъмирланаяпти.

Бугунги кунда республикаимизда табиий газ етказиб бериш узунлиги 13,7 минг км магистрал қурувлар, 25 компрессор станцияси, 341 газ тақсимлаш станцияси, 2 газни ер остида сақлаш омбори орқали амалга оширилмоқда.

— Маълум бўлишича, жойларда соҳани ривожлантириш, бунда йирик лойиҳаларни татбиқ этиш, аҳолини табиий ва суёлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш ҳамда магистрал газ қурувлари тизими ва газ тақсимлаш тармоқларини техник жиҳатдан модернизация қилиш борасида муайян ишлар амалга оширилган, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — Чекка худудлардаги аҳоли суёлтирилган газ балонлари билан таъминланмоқда. Жумладан, керакли худудларда газ тўлдириш шохобчалари қурилиб, махсус техника билан таъминлаш ишлари изчил олиб борилапти.

Яна бир эътиборли томони, истеъмолчилар учун янада қўлайлик яратиш мақсадида фойдаланилган табиий газ учун ҳисоб-китоб қилишнинг янги автоматлаштирилган биллинг тизими жорий қилинган ва UzPaynet ҳамда SMS-тўлов каби электрон тўловларнинг мобил тизимлари билан бирлаштирилган.

«Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси бошқаруви раиси аҳолини табиий ва суёлтирилган газ билан таъминлаш бўйича олиб борилаётган бошқа ишлар ҳақида ҳам атрофлича ахборот берди. Йиғилишда депутатлар амалга оширилаётган ижобий ишларни эътироф этган ҳолда, соҳада ўз ечимини қўтаётган масалаларга ҳам эътибор қаратишди. Жумладан, газ таъминотида ноқонуний уланешларга чек қўйиш, газ тақсимлаш тизимини устидан назоратни кучайтириш, соҳа ҳодимларининг масъулияти ва маънасини ошириш лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Атрофлича таҳлиллардан сўнг депутатлар ва мутахассислар соҳага оид айрим масалалар, шунингдек, қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш бўйича таклифларини билдирди.

Хусусан, табиий газ сарфи ҳисоблагичлари ишоринчилиги, ишлар ва хизматлар сифатини ошириш юзасидан махсус талабларни белгилаш, аҳолининг зичлиги ва худуднинг саноатлашув кўрсаткичларини инобатга олган ҳолда, уларни табиий ва суёлтирилган газ билан узлуксиз таъминлаш бўйича манзилли дастурлар ишлаб чиқиш ҳақида тавсиялар берилди.

Қўриб чиқилган масала юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бирор қонун
лойиҳаси
юзасидан партия
фракцияси ўз
позициясини
билдирар экан, бу
борада маҳаллий
Кенгашлардаги
партия
гуруҳларидан ҳам
таклифлар олиши,
сайловчилар,
электорат
вакиллари билан
фикрига
асосланиши зарур.

Лазиза ШЕРОВА. Бошланғич 1-бетда.



■ ЎЗБЕКИСТОН ХДП АХБОРОТ ХУРУЖИ
ХАВФИ ОРТИБ БОРАЁТГАН ҲОЗИРГИ
ШАРОИТДА УНГА ҚАРШИ КУРАШДА
ЖАМИЯТНИНГ ИЖТМОИЙ
БИРДАМЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ МУҲИМ,
ДЕБ ҲИСОБЛАЙДИ.



■ АЙНИ ПАЙТДА ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА
«АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ КОРПОРАТИВ
БОШҚАРУВ УСЛУБЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ МУНОСАБАТИ
БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING АЙРИМ ҚОНУН
ҲУЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА.

СПОРТ

Шу кунларда Доха (Қатар)да бокс бўйича XVIII жаҳон чемпионати қизгин давом этапти. Ўнга вази тоифасида ўтказилган ушбу нуфузли мусобақада боксчилар нафақат медаллар, балки келаси йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган ёзи Олимпия ўйинлари йўлнамалари учун ҳам баҳс юритишмоқда.

БОКСЧИЛАРИМИЗ
ҒАЛАБАЛАРИ

Баҳсларда қитъавий чемпионатларда муваффақият қозонган 260 (Европадан — 94, Осиёдан — 66, Шимолий ва Жанубий Америкадан — 51, Африкадан — 32, Океаниядан — 17) нафар «чарм қўлоқ» устаси рингга кўтарилапти. Унда Рустам Саидов бош мураббийлигида тўққиз нафар боксчимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилмоқда. Мутахассисларимиз Хасанбой Дўсмаев (49 кг), Шаҳобиддин Зоиров (52 кг), Муроджон Аҳмадалиев (56 кг), Элнур Абдураимов (60 кг), Фазлиддин Ғойибназаров (64 кг), Бектемир Мелиқўзиев (75 кг), Элшод Расулов (81 кг), Рустам Тулганов (91 кг) ҳамда Баҳодир Жалолов (+91 кг) каби истеъдодли спортчиларимизга ишонч билдиришган.

Мусобақани ҳамюртларимиз ғалабалар билан бошлашди. Чемпионатнинг дастлабки кунинда икки нафар вақилимиз рингга чиқди. Жумладан, 56 кг вази тоифасида Муроджон Аҳмадалиев италиялик Франческо Маэттини 3:0 ҳисобида мағлуб этди. Қўраға кўра, унинг иккинчи даврадаги рақиб қозғонистонлик Қайрат Ералиев бўлди.

Иккундорли боксчимиз, Осиё чемпиони Бектемир Мелиқўзиев (75 кг) эса биринчи раунддаёқ грузиялик Заала Квачатадзега нокаутга уратди. Энди Бектемир иккинчи босқичда французлик Кристиан Мбилиасомога қарши рингга кўтарилади.

Кеча яна уч нафар боксчимиз ўз маҳоратини намойиш этди. Унда Элнур Абдураимов (60 кг) жазоирлик Редда Бенбазиз, Баҳодир Жалолов (+91 кг) яна бир жазоирлик спортчи Муҳаммад Гримес, Элшод Расулов (81 кг) эса венесуэлилик Альберто Рамреа Дурано билан жанг ўтказди.

Эркин ХОЛБОБОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БУНЁДКОРЛИК

«Шодлик»
маданият ва
истироҳат боғи

фойдаланишга
топширилди

Жорий йилда Узун туманида 70 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилиб, 4 минг 500 га яқин янги иш ўринлари ташкил қилиш режалаштирилган эди. Ўтган 9 ойда 50 га яқин ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши билан 2 минг киши муқим иш жойига эга бўлди.

Яқинда эса туман марказида «Шодлик» маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди. Қарийб 6 гектар майдонни эгаллаган ҳудуд илгари қаровсиз аҳволда эди. Капитал реконструкция учун 17 миллион 750 миллион сўм маблаг сарфланган, ушбу маскан сўлим гўшага айланди.

Юзга яқин тунги чироқ атрофга чароғонлик бахш этмоқда. Элликдан ортиқ ўриндиқ ўрнатилган. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари мунтазам ишлаб турибди. Болажонларимиз учун мўлжалланган ёзи сахна ва томоша майдончаси куну тун гавжум. 17 замонавий ўйин қурилмаси ва аттракцион ўғил-қизларимизга шодлик улашмоқда.

Янги боғнинг фойдаланишга топширилиши билан 20 кишининг бандлиги таъминланган бўлса, йил охиригача яна 10 янги иш ўрни ташкил қилиш кўзда тутилмоқда.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН ДЎСТЛАРИ

БИЗНИ ҚЎЛЛАГАН, БИЗДАН ЁРДАМИНИ
АЯМАГАН ЎЗБЕК ХАЛҚИГА РАҲМАТ АЙТАМИЗ

Бу — «Шарқ тароналари» X халқаро мусиқа фестивали махсус мукофоти соҳиби, Туркменистоннинг «Бахши Трио» гуруҳи аъзоси Гуванч Жумандурдиевнинг сўзлари

— «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг нуфузи йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди у. — Унда иштирок этиш истагида бўлган санъаткорлар жуда ҳам кўп. Биз хориждан келган ҳамкасбларимиз билан суҳбатлашдик. Улар фестивалнинг саралаш босқичидан ўтиб, Самарқандга келганликларини гапириб беришди.

— Фестивалнинг махсус совринини кўлга киритдингиз. Уш пайтда кўнглингиздан нималар ўтди?

— «Шарқ тароналари»дек нуфузли фестивалда қатнашиб, совриндор бўлиш бахти ҳамма санъаткорга ҳам насиб этавермайди. Ўзбекистонда бундай катта доирадаги фестивалнинг ўтказилиши мамлакатда маданият ва санъатга берилётган юксак эътибор натижасидир.

1997 йилда ўтказилган илк фестивалда Туркменистон номидан қатнашган мусиқий гуруҳ ҳакамлар ҳайъатининг махсус совринига сазовор бўлган. «Шарқ тароналари» билан боғлиқ энг юқори кўрсаткич 2009 йилда, VII фестивалда қайд этилган эди. Ушанда ҳамюртларимиз, Туркменистон халқ артисти Ляля Бегназарова Гран-прини кўлга киритганди. Бу нафақат унинг, балки бутун туркман санъатининг ютуғи бўлган эди.

— Сиз номини тилга олган Ляля Бегназарова бахши. Сизларнинг гуруҳ ҳам бахшилардан иборат. Умуман ўзбек ва туркман бахшичилик санъати ҳақида нима дея оласиз?



Фотурх АЛИЕВ олган. Ойрат.

— Ўзбек ва туркман бахшичилик санъатининг илдизи битта десам, хато қилмаган бўламан. Азалдан Марказий Осиёда кучли бахшилар яшаб ижод қилган. Тилнинг яқинлиги бу ерда яшовчи миллатларга янада қулайлик яратган. Биз бир-биримизнинг дostonларимизни куйлаб улғайган бахшилар авлодимиз.

Ўзбек бахшичилиги ҳақида гап кетар экан, сўзни «Алпомиш»дан бошлаш зарур. Бу дostonни ўзбек бахшиларининг энг сеvimли дostonи деб биламан. Биз ҳам «Алпомиш»ни ҳар доим жон қўлогимиз билан эшитганмиз, куйлаганмиз. Ўзбекистонда кўплаб бахшилар билан мулоқот қилдик, фикр алмашдик. Ўйламанки, ўзаро ҳамкорлигимиз мустаҳкамланиб бораверади.

— «Шарқ тароналари» ўтказилган Самарқанд шаҳри ҳақида қандай фикрдасиз?

— Самарқанд чиндан ҳам афсонавий шаҳар экан. Унинг тарихий биноларини томоша қилиб кўзинг тўймайди. Регистон майдонининг ҳолатини тил билан таърифлаш қийин. Бу ерда қўшиқ куйлаш ҳар бир санъаткор учун бахт. Китебларда Амир Темур дав-

Ўзбекистонда бундай катта доирадаги фестивалнинг ўтказилиши мамлакатда маданият ва санъатга берилётган юксак эътибор натижасидир.

лати ҳақида кўп ўқиганмиз. Самарқандга келиб, Амир Темур ва темирлар даврида қурилган мадраса, макбараларни ўз кўзимиз билан кўрдик. Амир Темур қабри-ни зиёрат қилдик. Таассуротларимиз бир олам.

— Ўзбек ва туркман халқларининг ўзаро муносабатлари, ҳамкорлиги ҳақида ўз фикрингизни билдирсангиз.

— Аввало, айтишим керак, Ўзбекистонда кўплаб туркманлар яшайди. Ўз навбатида Туркменистонда яшайдиган кўплаб ўзбеклар бор. Бу тили, дини, урф-одатлари

бир халқлар минг йиллардан бери тинч-тотув, ўзаро ҳурмат асосида яшаб келмоқда. Ўзбекистонда туркман маданият марказлари ишлаб турганини эшитиб жуда хурсанд бўлдим. Туркманлар Ўзбекистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол қатнашаётганидан фойдаланамиз.

Ўзбекистон ва Туркменистон давлат раҳбарларининг ўзаро учрашувлари доимо юксак даражада ўтказилмоқда. Икки томон ҳам ҳамкорликдан манфаатдор эканини билдирмоқда. Ишонаманки, бизнинг бу алоқаларимиз абадий ва янада мустаҳкамланиб бораверади.

— Ўзбекистон халқига тилакларингиз.

— Ўзбекистондаги миллатлар дўстлиги муҳитини сўз билан тасвирлаб бериш қийин. Мен истардимки, дунё халқлари ахил-инок яшашни, ўзаро ҳурматни, бағрикенглик ва бирдамликни Ўзбекистондан ўргансин.

Бизни қўлаган, биздан ёрдамини аямаган ўзбек халқига раҳмат айтаямиз. Сизларга фақат яшатиликлар ёр бўлишини истаймиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Темур АЪЗАМ тайёрлади.

РЕКЛАМА

ООО «КРАНЫ И СПЕЦТЕХНИКА»
ПРОИЗВОДИТ И РЕАЛИЗУЕТ ПОД ЗАКАЗ:

АВТОКРАНЫ ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 16 т, 25 т, 32 т, 50 т.

САМОСВАЛЫ на шасси «ISUZU» ГРУЗОПОДЪЕМНОСТЬЮ — 4,5 т или 9 т.

Телефоны:
(0-371) 262-97-78,
Факс: (0-371) 262-23-61,
(+99890) 187-52-05,
(+99890) 315-99-17
www.avtokran.uz
[email:cst2008@mail.ru](mailto:cst2008@mail.ru)
Товар сертифицирован.

АВТОВЫШКИ на шасси «ISUZU» — до 14, 18 и 22 метров.

КРАНМАНИПУЛЯТОРЫ на шасси «ISUZU» или «MAN», грузоподъемностью — 3 т, 5 т или 7 тонны

ХУШХАБАР

Яқинда Темур Олимхўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ўсмирлар (U-16) терма жамоаси саралаш учрашувларини муваффақиятли якунлаб, Осиё чемпионати финал босқичига йўлланма олганлигини хабар қилгандик.

Ёшларимиз
Осиё
чемпионатида
қатнашади

Футбол бўйича
Ўзбекистон ёшлар (U-19)
терма жамоаси Осиё
чемпионати финал
босқичига йўлланмани
қўлга киритди

Куни кеча эса Жасур Абдураимов бош мураббийлик қилаётган ёшларимиз ҳам мутахассис ва мухлис-лар ишончини оқлашди. Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионати саралаш босқичининг «А» гуруҳи баҳсларида муносиб тўп сурди. Учрашувлар Бангладешда ўтказилди. Унда финал босқичига бериладиган йўлланма учун ҳамюртларимиз Бангладеш, Шри-Ланка ҳамда Бутан футболчилари билан куч сынашди.

Вақилларимиз гуруҳдаги дастлабки ўйинда Бутан ёшлар терма жамоаси дарвозасига жавобсиз етти тўп йўллашди — 7:0. Иккинчи турда Шри-Ланка футболчиларига қарши майдонга тушиб, навбатдаги йирик ғалабани қайд этишди — 3:0. Гуруҳдаги учинчи учрашув пешқадам номига ойдинлик киритиши билан аҳамиятли эди. Унда ҳамюртларимиз мезбонларга қарши ишончли ўйин намойиш этди, рақиб дарвозасини тўрт бор (4:0) иш-ғол қилдилар ва юз фоизлик натижа билан қитъа чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритишди.

«А» гуруҳидаги якуний вазият

	Ю	Д	М	Т-Н	Очко
1. Ўзбекистон	3	0	0	14-0	9
2. Бангладеш	1	1	1	3-5	4
3. Шри-Ланка	1	0	2	3-8	3
4. Бутан	0	0	3	1-10	1

Маълумот ўрнида айтиш керакки, ёшлар (U-19) ўртасидаги навбатдаги Осиё чемпионати 2016 йил 13-30 октябрь кунлари Бахрайнда ўтказилади. Унда Бахрайн, Ўзбекистон, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амириклари, Қатар, Эрон, Ироқ, Вьетнам, Жанубий Корея, Хитой, Япония, Тожикистон, Австралия, Таиланд, КХДР ҳамда Яман ёшлар терма жамоалари ғойиблик учун майдонга тушади.

Мусобақа низомига кўра, қитъа чемпионатининг барча ярим финалчилари 2017 йили ёшлар ўртасида Жанубий Кореяда бўладиган жаҳон чемпионатида қатнашади.

Самандар БОБОРАЖАБОВ,
ЎЗДЖТУ талабаси.

ОБ-ХАВО	8-9.10 — 2015
Юртимиз бўйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	
+10 / +15	+27 / +32
Бухоро ва Навоий вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	
+12 / +17	+30 / +35
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	
+13 / +18	+30 / +35
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	
+10 / +15	+27 / +32
Тошкент шаҳри	
+15 / +17	+32 / +34

MUASSIS:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	Muslihidin MUHIDDINOV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Ochilboy RAMATOV	Tat'yana KISTANOVA
Rustam KAMILOV		

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamiz: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.


Г — 1059
10600
nuxxada
bosildi.
Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'zA yakuni — 21.50
Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Abdusalim MAHMUDOV
Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 3 4 6